

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 80 ТИЙИН



Жамалак соч қиз

Суратчи: ШЕРБЕК

ЖАМҒАРМА ФАОЛИЯТИДАН

Самарқанд вилоят бўлими муҳтож хонадонларга озиқ-овқат билан биргаликда кийим-кечак ҳам тарқатмоқда. Яқинда моддий жиҳатдан шароити оғир бўлган 5 оилга 5 дона болалар куртки, 6 дона пальто ва кўйлақлар берилди.

Сурхондарё вилоят бўлими 200 нафар оилга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари (ун, гуруч, шакар) тарқатди. Бундай савоб ишларни амалга ошираётган Болалар жамғармасининг барча вилоятларидаги бўлимларидан аҳоли миннатдор.

МЕҲР-МУРУВВАТ КУНИ

Сирдарё вилоятида 14 март «Меҳр-мурувват ва саховат кунини» деб эълон қилинди. Шу кунини вилоят аҳли меҳрга муҳтож хонадонларга хайрия ёрдами ўрнатади.

Гулистон туманлараро савдо базаси Комсомол туманидаги 27-болалар уйига «Газ-66» маркали янги юк машинасини совға қилди. Вилоят электр тармоқлари жамоаси эса болалар уйини юқори кучли ишчи тармоқларга бепул улаб берди. «Меҳр-мурувват» жамғармаси эса Болалар уйи тарбияланувчилари учун минг сўм пул ажратди.

Бундай хайрли тadbирлар давом этмоқда, деб ёзади А. Норкулов.

ЮНИСЕФ ЎЗБЕКИСТОНДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болаларга аталган жамғармаси (ЮНИСЕФ) мутахассислари гуруҳи Ўзбекистонга келди. Улар президент И. А. Каримовнинг таклифига биноан республикага қадам ранжида қилганлар.

Мутахассислар кўпгина масалаларни ўрганиш вазифасини ўз олдидиларига қўйганлар. Уларнинг мақсади биринчи галда болалар ва аёлларга дахлдор бўлган муаммолар билан яқиндан танишишдан иборат. Соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув таъминоти, таълим, ижтимоий ҳимоя муаммолари шу жумлага киради. Йиғилган ва расмий манбалардан олинган ахборот комиссиясининг маълумотномасида умумлаштирилади ва жаҳон ҳамжамиятига маълум қилинади.

Тошкентда ЮНИСЕФ закиллари манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари билан учрашдилар, ўзларига зарур бўлган маълумотларни олдилар. Бу учрашувлар давом этади. Сўнгра мутахассислар иккита гуруҳга бўлиниб, Термиз, Урганч, Мўйнок, Нукус, Фарғона водийларига борадилар, республиканинг экология жиҳатидан қалтис жойларидаги вазият билан танишадилар.

Гуруҳ фаолияти ҳақидаги материалларни кейинги сонлардан бирида ўқийсиз.

МУХЛИСДАН МАКТУБ

Ҳозирги кунда мазмунсиз дарслару, эскирган адабиётлардан бош кўтариб, қандайдир қизиқроқ, зарур янгиликларни билишни истаб, беихтиёр янги рўзнома ва ойномаларга кўз югуртираман. Ташна кўзларим бир кунини ўз дарад ва қувончларимга «Ойла ва жамият»ни топди. Унинг саҳифалари билан танишар эканман, янги сонларнинг чиқишини инти-

зорлик билан кутаётган бўлдим. Менга, айниқса, «Ҳомиланинг фарёди», «Қиёматгача турадиган иморат» мақолалар, «Дунёни суяб турганлар», «Тонг» каби суратлавлар ҳақда.

Келгуси сонларда оила, ахлоқ мавзусидаги мақола ва ҳикоялар кўпроқ берилишини истардим.

Азиза ҚОСИМ қизи

ҲАММАСИ

ТЕКИН

Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси ва «Тошкент» биржаси жамоаларининг ўзаро ҳамкорлик қила бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Миллий байрамимиз Наврўз баҳонасида бу ҳамкорлик янада мустаҳкамланганидан бўлди. Биржачилар жамғарманинг жумҳурият миқёсида ўтказажак «Наврўзой» байрам тadbирини учун бир миллион сўмга яқин маблағ ажратдилар. Байрам пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги театрда бошланади ва яқунланади. Болалар жамғармаси тантаналарга барча вилоятлардан кўп болали оилалар аъзолари, болалар уйлари-нинг тарбияланувчиларини таклиф этади. Текин концерт, нонушта ва тушлик берилади. Табиийки, йўлкира, меҳмонхона сарф-харажатларини ҳам жамғарма ўз зиммасига олади. Таклиф этилажак оилаларга берилажак совғалар учун «Тошкент» биржаси 200 минг сўм ажратди. Ҳозир «Наврўзой»ни кўнгилдагидек ўтказиш учун қизгин тайёргарлик ишлари кетмоқда.

Пойтахтда яшовчи болаларни ҳам ажойиб томошалар кутмоқда. Мустақиллик майдонида «Варрак сайли» ўтказилади. Болалар жамғармаси, ёшлар ташкилотлари шаҳар қўмитаси ва «Наргис» корхонаси уюшти-ражак бу тadbир ҳам кўпчиликнинг ёдида қолса керак. Ўз кучи, иқтидор ва маҳоратини синаб кўрмоқчи бўлган ёш-ялангларни, умуман, мазза қилиб дам олмақчи бўлган барча инсонларни март ойининг ўрталарида ўтажак ушбу байрамга таклиф этамиз.

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

МЕҲРИНИСО:

ЗАЪФАРОН УСМИЛИГИМ

НАБИ ЖАЛОЛИДДИН:

БАРЧАМИЗНИ ОТИБ
ТАШЛАНГЛАР

КИБОРЛАР ҲАВТИДАН:

НАПОЛЕОНГА ХИЁНАТ
ҚИЛГАН АЁЛ



— Берармикинлар!



— Ур-рел..

ХАЙРИЯ

Бухоро шахрига Голландиядан дори-дармонлар, бир бор ишлатиладиган қазғич (шприц)лар келиб тушди. Хайрия болалар уйлари, шифохоналарга тарқатилди.

РЎЗА ҚАЧОН БОШЛАНАДИ!

Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасига шу савол билан мурожаат этганимизда, тилни ва дилин поклагувчи, ҳар бир мўмин-мусулмон учун фарз ҳисобланувчи рўза бу йил 6 март саҳаридан бошлаб тутилиши ҳақида маълумот олдик.

ТАРБИЯЛАНУВЧИ ВА ТАРБИЯЧИЛАРГА

Жумҳуриятиимизда яна бир нашр — «Мактабгача тарбия» ойномасининг илк сони босмадан чиқди.

САБЗИ ОЛИНГ

Утган ҳафта «Чорсу» бозоридида сабзининг килоси 50 тийиндан сотилди. Картошка-пиёз ҳам арзонлашмоқда.

«ВОЛГА» БЕРИШАРМИШ!

Ҳозир ҳар қадамда танга-чақа муаммосига дуч келасиз. Шу тўғрисида 30 тийинлик йўлқира кўпичча бир сўмга тушмоқда. Сўлкавой — бир сўмлик танганинг-ку кўпчилик тўсини ҳам унутиб юборди. Сўлкавой шу даражада ноёб бўлиб кетибдики, Тошкентда тарқалган миш-мишларга қараганда, 7 тангага битта «Волга» беришармиш.

Бу гапнинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигини билмадик, лекин тахририят жамоамизнинг 10 сўлкавойи бор. Ҳозирча машинага муҳтожлик жойимиз йўқ. Аммо мабодо кимда-ким ёзув машин-каси (ишлатилган бўлса ҳам майли) таклиф этса, 10 тангага бажонидил алмашамиз.



Халқ артисти, Ҳамза номидаги жумҳурият мукофоти соҳиби Ёқуб Аҳмедовни янги спектаклга тайёргарлик устида учратдим. Академик театр «Амир Темур»ни сахнага қўйиш арафасида экан. Ёқуб ака ғоят банд бўлишларига қарамай «Оила ва жамият» учун суҳбатга бажонидил рози бўлдилар.

Ёқуб АҲМЕДОВ:

ОТАМНИ ҲИБСГА ОЛИШГАНДА ТУҒИЛГАНМАН

— Наманган шахрининг Исфажон маҳалласида туғилиб ўсганман. Мен дунёга келган йил — 1938 да отамни ҳибсга олишган экан. У киши тутқинликда оламдан ўтганлар. Ҳақ барибир қарор топар экан, ўлимларидан сўнг оқландилар. Отам адлия органларида хизмат қилган эканлар. Онамиз уй бекаси бўлганлар.

Маҳалламизда аксар санъаткорлар яшашарди. Шулардан бири — Наманган театрининг етакчи актери, ажойиб сахна устаси Муҳриддин Мансуров эди. Театрда Зиннат Фатхуллиннинг «Ғунчалар» пьесаси қўйилаётганда, бизни, маҳалладаги 5—6 болани спектаклга қатнаштиришга таклиф қилдилар. Болалар кейинчалик тарқаб кетишди, мен эса театрда боғланиб қолдим.

— Кейин, ўз-ўзидан маълумки, театр ва рассомлик институтига киргансиз!

— Ҳа, 1956 йили мактабни битириб, ҳозирги Маннон Уйғур номидаги театр ва рассомлик институтида тахсилни давом эттирдим.

Домламиз Ҳамза театрининг ўша йиллардаги бош режиссёри Александр Гинзбург эди. Ҳамза театри билан шу киши орқали танишганман. Институтда муҳит яхши эди. Уқитувчиларимиз биздан сабоқларини аяшмас, санъатга фойдаси тегадиган одам бўлсин, деб жон куйдиришарди.

— Кинодаги фаолиятингиз қачон бошланган?

— 1958 йили «Мафтунингман» фильмида кичик бир ролни ўйнашга таклиф қилишди. Кейинги йили Йулдош Аъзамовнинг «Фуркат» фильмида бош ролни ижро этдим. Сўнг «Ганг дарёсининг қизи»...

Кинони сеҳрли санъат дейишганларича бор-да! Фильмларга шунчалик берилиб кетибманки, ўқини, институт умуман ёдимдан кўтарилибди. Оқибати — ҳали-ҳануз дипломсизман.

— Ростданми!

— Ҳазиллашяётганим йўқ. Шундай бўлган. Мен бу билан тузуқроқ ўқимасдан ҳам шунча ишни дундирворганман, деб мактанмоқчи эмасман. Фақат одамнинг ўзида сайъ-ҳаракат, жўшқинлик бўлмаса, ўқиса-ю уқолмаса — ҳаммаси бекор.

— «Одамлар театрга кирмай қўйди, театрлар эса енгил-елпи кулги томошалари, савёз комедиялар кетидан қувиб, маъқеларини тушириб юборяпти» деган гапларга қандай қарайсиз!

— Ҳозир замон шундайки, одамларга битта гап кам, иккита гап кўп. Улар театрга ҳордиқ олгани, юрак чигалини ёзгани келади ва биз бу билан ҳисоблашишга мажбурмиз. Қолаверса, масалан, бизнинг театр қўяётган «Келинлар қўзғолони», «Кувёв», «Олтин девор» комедиялари яхши савияда ёзилган, уларни эл севиб томоша қилади. Ким билади дейсиз, балким беш-ўн йил ўтиб, даврлар ўзгарган, одамлар яна «Ҳамлет», «Отелло»ларга ёпирилиб келар...

— Такдир ҳазилими, собиқ Иттифоқнинг сўнгги халқ артисти сиз бўлдингиз. Бундан ўқинмайсизми!

— Уқинаман, лекин сиз айтган сабабдан эмас. Ҳамза Умаровдай, Ботир Зокировдай улғу санъаткорларга вақтида шу унвон берилмагандан ўқинаман. Қолаверса, Ғани

Аъзамов, Саъдихон Табибуллаев...

Шу билан бирга мени унвон қўлаб, мактуб йўллаган, сим қоққан барча мухлисларимга ташаккур айтаман.

— Сизни кўп бор уйланган дейишади. Миш-мишми, ё...

— Уч марта уйланганман. Биринчи турмуш ўртоғим — Кларахон Жалилова билан ғўрлик қилибми, ё атрофимизда йўлга солувчи бир маслаҳатгўй бўлмаганиданми, ажралишдик. Иккинчи турмушимдан фарзанд бўлмади. Насибухон Қамбарова билан ўн йил яшагандик.

Ҳозирда рафиқам Манзураҳон билан тинчлик-омонликда бир оилани тебратиб турибмиз. У киши муаллима, мактабда ўқувчиларга, уйда фарзандларимиз — Нодира, Шоҳжаҳон, Диёрларга тарбия берадилар. Катта ўғлим — Фуркат ҳам доим биз билан бирга.

— Оилада қаттиққўлимсиз!

— Йўғ-э, болалар мендан эмас, кўпроқ оилардан чўчишади.

— Уй-жойингиз зўр бўлса керак!

— Э, соддасиз-да, укам! Актёр халқи аввал ҳам, ҳозир ҳам энг ғариб, номи улғу, супраси қуруқ тоифалардан бўлган. «Дом»да турарман. Баъзилар «Ёқуб ака, шунча йил яшаб, шундай обрўга эга бўлиб тузуқроқ ҳовли ҳам қиллолмadingиз», дейишади. Менда, тўғриси, ҳовли-жойига на маблағ, на вақт бўлган. Лекин бориға шукур, нолимайман.

— Тўйларга борасизми!

— Бораман, лекин кўпроқ ёр-оғайинларникига.

— Театр, кино, радио, дубляж... Бўш вақтингиз бўладими ўзи!

— Деярли йўқ. Бўлса дарров уйга, оилам даврасига шошиламан. Баъзан «Қанинди, бир тўйиб ухлаб олсам» деган хаёлларга бораман. Азиз АБДУВАЛИ суҳбатлашди

Етти кун

МУСУЛМОНЛАР ҚАНДАЙ ҚАСАМЁД ҚИЛИШЯПТИ!

Украинада хизмат қилаётган аскарлар кимга қасамёд қилаётганигидан хабарингиз бўлса керак. Энди эса «Бирлашган қўшинлар» тарафдори Россияда хизмат қилаётган аскарларни черков руҳонийси насроний калималарини айтиб, қасамёд қилдира бошлади. Уларнинг қуроли ҳам худди шу тарзда муқаддаслаштирилмоқда.

Қизиқ, «Бирлашган қўшинлар»да хизмат қилаётган мусулмон биродарларимиз қанақасига қасамёд қилишяётган экан!

КЎЗ ТЕГДИ

Эл орасида ном чиқарган, турғунлик йиллари эл дарғалари, ҳатто жумҳуриятдаги биринчи раҳбарлар назарига тушган, уларнинг отида улоқ чопган қўшработлик чавандоз — Исмат полвон аини қирқ ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Айтишларича, полвонга кўз теккан. Уша кўни улоқда ўғли билан унинг олдига тушадиган совриндор бўлмаган. Бунинг кўрган томошабинлардан бири: «Полвон, энди улоқ чопишни қўйсангиз ҳам бўларкан, ўғлингиз ҳам қаторга қўшилибди», деб унинг елкасига қоқиб қўйган. Бундан кўнгли зил кетган полвон ўғлига: «Улим, ...Бованг мени ўқсиз отди-ёв», деган ва шу тундаёқ полвоннинг жони узилган. Марҳумнинг оила аъзоларига бардош берсин.

«КАПИТАЛ» ҚЎЛ КЕЛЯПТИ

Йўқсиллар доҳийси К. Марксининг «Капитал» асари Красноярск ўлкасида энг камёб молга айланди. Ёшлар бу асарни сапокли кунлар ичиде ёппасига сотиб олиб қўйишди. Бунинг боиси уларнинг «Капитал»дан капитал — пул топиш сирларини ўрганишяётганида экан.

Қизиги шундаки, бу китоб жумҳуриятимиз китоб дўконлари пештахталаридан ҳам ғойиб бўлди. Ўзбекистонликлар ҳам «Капитал» қилиш сирларига қизиқиб қолган шекилли.

— Карим ака, Олий Кенгашининг Ошкоралик қўмитасида раис ўрин-босари бўлиб ишляпсиз. Демак, Сиз билан бемалол ошкора гаплашаверсак бўлар...

— Бақонидил. Умуман олганда, шу ер — Сиз билан бизнинг ери-миз, шу Ватан — Сиз билан бизнинг Ватанимиз, шу эл — Сиз билан бизнинг элимиз, Сиз бу ерда нафақат мен билан, ҳамма билан ошкора гаплашаверинг.

— Мансабга кўтарилмасдан илгари ҳарбий масалалар борасида катта муаммоларни ўртага ташлаб, дадил чиқишлар қилдингиз. Бошингизда калтаклар синганидан хабаримиз бор. Битта савол: миллий қўшин тўғрисида қандай фикрда-сиз!

— Тўғри, мен ҳарбий ҳақида ёзганда: «Бу йигит давлат асосларига болта урмоқда», деб менга турмадан жой тайёрлаб қўйганлар, мен «миллий қўшин керак» деганда лабига учуқ тошганлар бугун энди ҳаммадан кўпроқ «миллий қўшин» ҳақида гапирмоқдалар. Майли. Худо ҳаммасини кўриб турибди, ҳаммамизга Ўзи баҳо беради.

Бир нарсани айтишим мумкин — бизга ҳалқимизни ҳимоя қиладиган даражада кўп, лекин бошқа ҳалқларга ҳужум қилишга етмайдиган даражада кам миллий қўшин керак. Инсонга эмас (гарчанд у «ҳаммамиз учун ҳурматли...» бўлса-да), Қонунга бўйсунадиган миллий қўшин керак. Бизни талаб юз ўттиз йил еган ҳалқ ҳам бахтиёр бўлолмади. Биз ҳам бошқа ҳалққа кўз олайтирмайлик. Аскарлар — ҳалқнинг қалқони, аммо бу қалқон катталашиб, назоратсизлашиб кетса, эгзаб ҳалқнинг ўзини босиб қўйиши мумкин. Буни 16-17 январда талаба ука-сингилларимиз кўрдилар. Бу ўзимизнинг «ҳимоячиларимиз» эди.

Аскарликка ҳам, миллий қўшинга ҳам ўз хоҳишига кўра олиш керак, зеро унинг қўлига қурол берилади, қурол эса бир кунги ўқ отади. Ҳеч ким ўз иродасига қарши қотилга айлантирилмаслиги керак. Афғонларни ўлдириб келган, кечалари ухламай чиқаётган укаларимизни ўйлайлик. Умуман, одам одамни ўлдирмаслиги керак. Энг юксак гоғлар учун ҳам, Ҳатто Ватан учун ҳам. Одамга жонни Худо берган, Ўзи олади.

— Энди, ака, сал эркалик қилсам хафа бўлмайсиз. Баъзан қўлогимизга чалиняпти: «Карим Баҳриевга мансаб ёқибди, шекилли, бўйи чўзилиб, ўзини қўйворибди. Илгаригидек ҳалқчил мақолалар ёзолмаяпти. Истеъдодини қўрбон қилаяпти», — дейишмоқда.

— «Ўзимни қўйворганимга» келсак, онам мени бир умр чўндай озиб юрсин, деб туққан эмас, албатта. Биров кўп еса ҳам сингмай тушиб кетаверади, мен озгина есам ҳам баданимга сингйиди. Худого шуниси маъқул бўлса, менинг қўлимдан нима ҳам келади... Истеъдодимни «қўрбон қилган» бўлсам, арзийдиган маъво учун — эл, юрт учун қилдим. Мақолаларни ёзаялман, бу «қўрбонлик»қа ачинмайман, Шеърга ачинаман. Ҳақиқат шевр ёзиш учун бу макондан, бу замондан юқориқроқ туриш керак, афсуски, давру даврон оёғимизни кишанлаб ташлади. Бизнинг урми-з — Вужудини ер тортаётган, Рухини осмон чорлаётган одамнинг фожеасидир.

Илгаригидек ҳалқчил мақолалар «ёзолмаётганим» ҳусусида. Бизни «бузғунчилар» деб атаганлар маълум маънода ҳақ эди. Биз зодим тузумни бузаятган эдик ва бунинг учун фахрлансак ҳам бўлади. Бугун эса «тузувчи» ҳам бўлишимиз керак. Биз тузатаймиз. Аммо «тузувчи» ими-жимиди ишлайди, «бузувчи»нинг шовқини бўлади. Одамлар ҳам тўполончиларни яхши кўрадилар. «Ёзолмаётганим»нинг иккинчи сабаби — муаммоларнинг илдизини кўриб ҳайратландаётганимдир. Авваллари бирон-бир

райондаги қаллобликни кўрсак, буни вилоят раҳбари билмайди, деб ўйлардик. Кейин вилоят раҳбарлари қаллобликларини ёздик ва жумҳурият эгаларига билдириб қўймоқчи бўлдик. Одамлар «рост ёзди» деб ҳайратга тушдилар. Бугун билдикки, қаллобликларнинг илдишлари вилоятлардан чиқиб, Тошкентга ҳам келиб боғланган. Мен бугун ҳалол сиёсат юргизилмоқда, деб ўзимни алдай олмайман. Ёза бошладим. Порахўрлик, мафия, миллий гоғ, тилломиз тақдири ҳақида мақолалар ёздим. Ҳозир чоп этиш олдидан ҳадик ва ҳаяжон ичида турибман. Бу хавотир қанчага чўзилади, кейин бизни ким ҳимоя қилади, билмадим...

— Матбуотда суратларингизни кўрган бир муштарий муҳарририятимизга хат ёзибди: «Карим Баҳриев бундай бежирим кийимларни қаердан оляптикин», — деб.

— Энди, дўстим, келишган йигитмиз, нима кийсак ҳам бежирим кўринаверади-да... Ҳазил.

— Сизнингча, ҳалқ қачон ва нима қилса яхши яшаши мумкин!

— Ҳалқ яхши яшайдиган кун — у ўз тақдирини ўз қўлига олган кундир. «Ҳеч бир киши иккинчи бир кишини унинг руҳсатисиз бошқарадиган даражада ақлли эмас», — деган А. Линколн. Ҳеч қайси ҳокимият ҳалқни тўйдирмайди, ҳалқ ўзини-ўзи боқади. Ҳокимиятни ҳам боқади. Ҳукумат фақат тақсимлайди: унга фалон сўм маош, бунга фалон сўм нафақа — бундан қаҳрамонлик яшаш шарт эмас, бунинг учун раҳмат сўраш ҳам керакмас.

Таъбир жоиз бўлса, биз қафасдан чиқдик. Фожеанинг ўйинига қарангки, қафас бизни нафақат банди қилган, балки ҳимоя ҳам этар эди. Энди ўзимиз қушдай озодмиз, аммо ерга кўнсақ мушукка, кўкка учсак бургутга ем бўлишимиз мумкин. Айримлар қафасга қайтишни соғинишмоқда: «Брежнев пайтида коммунизм экан, билмабмиз!» — деб ҳўрсинишмоқда. Бу газетадаги



КАРИМ БАҲРИЕВ ОИЛАСИ БИЛАН

Суратчи Абдул ГАНИ ЖУМА

Карим БАҲРИЕВ:

АҚЛЛИ БЎЛИШГА МАЖБУРМАН

бир хабарни эсга солади: маҳбусхонада, зимистонда ўтирганлар: «Турмадан чиқмаймиз. Ташқарида на нон, на колбаса бор. Яна қамоқда ўтираверамиз!» — дейишяётган экан.

Йўқ, ташқарида тоза ҳаво бор, қатим-қатим нурлар, ой шўъласи ва нафис гуллар бор. Ҳалқ қафасни эмас, озодликни истаса, унинг машаққатларига тайёр бўлса, ўша кун яхши ҳаёт бошланади. Афсуски, ҳали элимиз на ўзини, на ўзи учун қайғураётганларни ҳимоя қилишга тайёр эмас. Еруғ кунлардан умидимиз бор.

— Оилангиз ҳақида сўзлаб берсангиз!

— Турмуш ўртоғим — Илмира Назрулло қизи — ойнаи жаҳонда муҳаррир бўлиб ишлайди. Мени аслимдан ҳам кўра ақлли деб ҳисоблайди. Унинг бу фикри ёлгон қимаслиги учун ақлли бўлишга мажбурман.

— Ёш оила мустақил яшагани маъқулли ёки ўзларини тутиб олгунча ота-она билан бирга яшаган маъқулли!

— Ўзларини оила қургунча тутиб олсалар яхши бўларди. Ким билан яшашга келсак, меҳрибон келин-куёв меҳрибон ота-она билан яшасинлар, аксинча бўлса... айру яшаган маъқул.

— Сиз тушга нишонасизми!

— Мен тушларни ҳаётнинг даво-

ми деб биламан, ҳаёт ҳам тушларнинг давомидир. Қай бири рост дунё — биз сиз билан гаплашиб турган бу дунёни ёки тушдаги дунёни — ким билади. Балки биз яшаётган дунё аслида тушдир, зеро бу ҳаёт жуда қисқа, Улимдан кейингиси поёнсиздир...

— Ҳеч йиғлаганмисиз!

— Бўлган. Лекин бу эр киши кўз-кўз қиладиган нараса эмас. Мен ҳам йиғлайман. Бир кун сурхондарёлик ўзбек фарғоналик ўзбек дўсти билан Тошкентда кўришиб қолди. Ўзим гувоҳман.

«Пахта қалай? Терим бошландими?» — сўради сурхондарёлик.

«Бола-чақанг яхшими?» — дедим.

«Соғлигинг яхшими?» — дедим.

«Пахта қалай!» — деди. Шу кун мен йиғладим. Сурхон — Алпомишининг ватани. Алпомиш доридан тумсо, Барчиной пахтага эгилиб сил бўлди. Фарзанд ўстирмайди, пахта ўстиради... Унга қараб йиғлайсиз. Пахтасини олиб қўйсангиз, у йиғлайди. «Дори сепманг, заҳар ютаяпсиз», — десангиз: «Нега шундай одил ҳукуматни севмайсиз?» — деб хафа бўлади. Биз ҳалқ деганимизда она шулар ҳамдир.

— Армонингиз борми! Кўпроқ нималардан эзиласиз!

— Қанча керак?... Зулфи момом (отамнинг опалари) мана шу кунларини қуролмай оламдан ўтди-лар. Бу — бир армоним. Ургутда

яшайдиган Отам ва Онамининг олдларига вақтида боролмаётганим — армоним. Ҳалқ қачон ўзининг қадрини билади, кимга қуллуқ қиляётганини тушунади, билмадим. Бу ҳам армонимдир...

Ўзим чеккан озор учун эмас, мен туфайли ёру дўстларимга келадиган озор учун эзиламан. Референдумга қарши гапирганим учун ойнаи жаҳондаги «Учрашув» кўрсатуви бекилиб, муаллифлари анча вақт ишсиз юришди. Шунга эзилдим. Мақолам чиққан газета раҳбарларини овоза қилишганда эзилиб юрдим. Уларнинг оиласи, фарзандлари бор ахир. Ҳақиқатни ёзиб, уларни қийнаб қўйганимдан ҳижолатдаман... Шукур, ўзимнинг рафиқам ташвишларни бирга тортишга тайёр.

— Уч йилдан кейин ноблик фаолиятингиз ниҳоясига етади. Кейин нима иш қиласиз!

— Аввал ўшангача яшаш керак...

Шеърга буткул бахш этарман ўзимни. Ҳозир ҳам жуда кўп нараса ёзаялман, лекин нашр қилишнинг иложи йўқ, кунни келади ҳали. Жуда кўп гап бор, сизга айтолмайман. Ҳеч кимга айтмайман. Ҳатто ўз тилимга ҳам айтолмайман...

Баҳром Бек ПОЛОСОНИЙ,
«Оила ва жамият»нинг махсус муҳбири

Вилоятда «Сафар-холнинг қўлидан шифо топдим», дейдиганларнинг сони тобора ортиб борапти. Бундай гапларга гоҳ ишониб, гоҳ ишонамайсан. Чунки ҳамма ҳам Кашпировский эмас. Қолаверса,

«мен — экстрасенсман» деб кўкрагига урадиганларнинг сони ҳам кун сайин кўпайиб кетмоқда. Биз ҳам иккилана-иккилана экстрасенс Сафархол Раҳматовнинг ҳузурига йўл олдик...

ДАВОЛАШ ОСОН ЭМАС

— Сафархол опа, очиги, кўнглимизда қатра ишонч бўлса, тоғдай гумонимиз бор. Чунки Сурхондарёнинг ҳар бир туманида ҳозир камида беш-ўн нафар экстрасенс бор. Беморлар кимдан наф топишяпти, кимдан зарар кўришяпти — буниси бизга қонғу. Нима, экстрасенс бўлиш шунчалар осонми?..

— Шубҳаларингизда бир қадар асос бор. Чунки одамга худо «ноқтирмаса» бир

нарсаси етиши қийин. Бугунги кунда ўзини «экстрасенсман», деб даъво қилаётганларнинг кўпчилигидан хижолатдаман. Ўзимга келсак, экстрасенс бўлиш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Не қилайки, қисматда битилган экан...

— Экстрасенслик осон эмас демоқчимисиз?

— Қийин, жудаям қийин. Сиз билмайсиз, дунёда беморни даволашдан мушкул юмуш йўқ. Бунинг устига

қабуллингизга минг бир илми амални қилиб, охири чорасиз қолган беморлар келади. Зўр бўлсангиз ўзингизни ана шунда кўрсатинг! Биласизми, агар бирор беморни даволай олмасам, ўзимни ёмон ҳис қиламан. Қўлим ишга бормайди, уйқумда ором-ҳаловат бўлмайди.

— Поччамиз ана шундай

кезларда сиздан ҳафа бўлмайдиларми?

— Йўқ, у киши мени яхши тушунадилар. Чунки менинг руҳиятимда хотиржамлик бўлмаса, у киши ҳам қийналадилар.

— Шажарангизда кўшноч, фолбинлар ўтганми?

— Ҳа. Она тарафдан момонинг опаси кўшночлик қилган, томир кўрган, яхши табиб бўлган.

— Экстрасенслик сизга қачон «оқди»?

— Бундан икки йил аввал Соғлиқни сақлаш Вазирлигидан экстрасенслик қилишим мумкинлиги ҳақида хужжат беришди. Ушандан бери баҳоли-қудрат беморларни даволаб юрибман. Мен касбим нуқтаи-назаридан ҳам шу ишга бурчлиман, чунки асли тиббиёт ҳамширасиман.

— Асосан қандай касалларни даволайсиз?

— Астма (нафас қисими), бронхит (нафас йўллариининг шомоллаши)дан азоб тортаётганларга, буйрағида тош, қум тўпланганларга нафим тегяпти.

Сафархол опа Сурхондарёнинг турли бурчакларидан, Тожикистон, Туркменистон жумҳуриятларидан келиб, шифо топган беморларнинг миннатдорчилик хатларини кўрсатди. Битикларни ўқиб «фақат бировдан яхшилик кўрган одамгина шундай самимий сўзларни ёзса керак», деган хулосага бордим.

— Сафархол опа, фарзандларингиздан биронтасининг экстрасенс бўлишини истайсизми?

— Экстрасенслик — бу

қисмат. Токи пешонасига битилмаган экан, ҳеч ким экстрасенс бўлмайди. Лекин нима бўлганида ҳам мен беш нафар боламдан биронтасининг ҳам касбимни олишини истамайман. Бу ҳавас қиладиган, талпинадиган иш эмас...

— Уй ишларида кўмаклашасизми?

— 8-синфда ўқийдиган ўғлим Рустамнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Овқат тайёрлаш, қозон-товоқ ювишга қўли келади. Кичиклари ҳам ёрдамлашади...

— Узингиз-чи?

— Узимми? Биласизми, темир-терсаққа, масалан, қозон-товоққа уринишим билан қўлларимга игна санчилгандек беҳаловат бўлавераман. Қайфиятим ёмонлашади. Шундай бўлгандан кейин...

— Сафархол опа, шифоталаб беморлар сизни қаердан топишлари мумкин?

— Марҳамат: Термиз шаҳри, Файзулла ХУЖАЕВ кўчаси, 30-уй. Мен сизларни кута-ман.

Маҳмуд АБУЛҲАИЗ
сўхбатлашди

Бугунги иқтисодий бўҳрон барча соҳаларда ўз қудратини намойиш этмоқда. Умиддан кўра умидсизлик кўпроқ, хотиржамликнинг осойишта чодирлари ўрнини ташвиш ва ҳавотир забт этган. Аҳоли ёлпасига тирикчиликни ўйлайдиган бундай тангликлар тарихда кам-

дан-кам содир бўлади. Хўш, одамлар саломатлиги, фуқароларнинг сиҳати йўлида хизмат қилаётган дўхтирларнинг ҳаёти, тирикчилиги қандай? Уларнинг маззаси яхши-ми, руҳи тетикми? Сухбатдошимиз Тошкент давлат Тиббиёт институтининг 2-клиникаси Ирсият касал-

ликларини аниқлаш бўйича илмий текшириш маркази бўлим мудири Шахло Шамуддинова, 1-даражаси дўхтир, 25 йиллик тажрибаси, тўрт фарзанди — уч қиз, бир ўғил ва уч набираси бор. Кўнгли очик, феъли — босик ва меҳрибон.



ОНА, БОЛА ВА ИРСИЯТ

— Шахло опа, замон талабига жавоб берадиган биринчи саволимиз бундоқ. Яъни қанча маош оласиз?

— 800 сўм атрофида.

— Кам эмасми?

— Албатта кам-да. Ҳозир ҳамма нарсани Америко билан қиёслаш раъс бўлиб қолди. Бизнинг касбни ҳам муқояса қиладиган бўлсак, дейлик менинг даражамдаги дўхтирлар у ерда шохона ҳаёт кечиришади.

— Шифохоналар пулли хизмат кўрсатса, ҳар бир касалликка ўзига яраша «нарс» қўйилса яхшимасми?

— Бунинг учун тузум шунга тайёр бўлмоғи керак. Шундай тажрибали турли шифохоналар мисолида бўляпти. Лекин улар жуда ночор аҳволда. Масалан, бизнинг соҳани оладиган бўлсак... Жумҳуриятимиз туғилиш бўйича олдинги

ўринларда туради. Демак, юрта ирсият бўйича алоҳида мустақил илмий-тиббий марказига эҳтиёж бор. Бундай марказ жуда кенг қамровли, вилоят ва туманларда бўлимлари бўлмоғи керак. Шунда сиз айтган ишларни амалга оширса бўлади.

— Касаллар кўпми?

— Жудаям. Насл, ирсият, фарзандсизлик... Сурхондарё, Қашқадарё, Бухородан кўп келишади.

Хориж тиббиётида бундай муаммолар деярли йўқ. Чунки у ерларда ирсият қоғозлари бўлади. Уйла-ниш, турмушга чиқишдан олдин уларда ҳаммаси маълум. Мисол учун, АҚШ туғруқхоналарида энг аввал аёлларнинг ирсий жиҳатлари ўрганилади. Бола туғилгандан то ўн беш ёшга қадар ирсий-наслий назоратда бўлади. Бизда ҳам Ибн Сино даврида суяк суриш, етти пушти, зотини аниқлаш деган гап-

лар бўлган. Бу — оилаларнинг мустақамлигини ҳам таъминлаган.

— Ҳўс оғиздан кирибди деган гап бор. Озиқ-овқат яхши бўлмоғи керак деганидир бу. Сизнинг фикрингиз?

— Тўғри айтишибди. Ҳеч кимга сир эмас, қишлоқларимиздаги кўпчилик хонадонларнинг асосий овқати — чой-нон. Болалар, оналар оилаб мева-сабзавотининг қорасини ҳам кўрмайди. Бундай аҳволда қаёқдан соғлиқ бўлади?

— Ҳозир, аини пайтда чет элга ишга тақлиф қилишса бормидингиз?

— Жон-жон деб борардим. Ҳеч бўлмаса, улардаги юксак муолажа тартиби, тажрибасини ўрганиш учун ҳам йўқ демасдим.

Н. ХАЙРИЕВ.

Эълонлар

Ёши 35 дан ошмаган, олий маълумотли, оила ишларига қизиқувчан, озода ва садоқатли ўзбек қизи ёки бирор фарзанди бўлган жувон билан мустақам оила қуриб, фарзандли бўлиш ниятидаман. Шунга хоҳиши борлар ўзлари ҳақида ёзиб, суратини жўнатсалар, жавоб бераман. Бошқа шахар ёки қишлоққа кўчиб ўтишга ҳам розиман. Адрес: 743613. Қорақал-

поғистон жумҳурияти, Эллиққалъа тумани, Оржоникидзе д/х, 16-жамоа, 3-бўлим. Бахтиёр РУЗИМБОВЕВга деб ёзинг.

БЎЙИ ЕТГАН ҚИЗ

Ўрта бўйли, оғир-босик, хушмуомала, зиёли оилада тарбияланган, олий маълумотли, йигирма беш ёшли тошкентлик муаллима қиз

ўзидек оғир-босик йигитга сеvimли ёр бўлиш орузида. Хатингизга сувартигинизни қўлиб юборишингиз сўралади. «Оила — 12га деб ёзинг.

ТАБРИК!

Умрининг 40 йилини ёш авлод тарбиясига бағишлаган пискентлик муаллим Усмон бобо Нуъмоновни фарзандлари ва шогирдлари 75 йил-


лик таваллуди билан қутлайдилар ва у кишига мустақам соғлиқ, хотиржамлик, бардамлик тилайдилар.

Ешим 36 да. Бўйим 175 см, ўзбекман. Маълумотим ўртамаксус. Соғлиғим яхши, зарарли одатим йўқ. Бир ўғлим бор — онаси билан бошқа жумҳуриятда яшайди. Ажрашганман. Ўз хоҳишим бўлган алимент тўлайман. Барча

қулайликларга эга турар жойим бор.

РАФИҚАМ ЯЙРАХОН!

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин қалбдан муборакбод этаман. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бўлажак фарзандларимиз бахтини тилаб, завжанингиз Фурқат.



ФАХРИЁВ. 1963 йилда Хатирчи туманининг Сангжуман қишлоғида туғилган. «Гулхан» ойномасида масъул котиб бўлиб ишлайди. Бир қизининг отаси.

ТУНГИ КАЙФИЯТСИЗЛИК

Энди мен кирмасман Тушининг тушига,
Умид мендан умидин узсин.
Оқ қиламан кўнгил қушини
сўзсиз.
Ҳасратларим ёввойилашар,
аламларим чекар ўзини.
Юрак зиндонидан тақиқлар оша
Мен озод эгаман «севги» сўзини.
Таранг асаб толаларимни
созимга тор қилиб тортаман.
Шеър қиламан волаларимни,
энди муҳаббатдан ортаман.
Олис ойнинг истарасига
иситмайман муздай юракни.
Яшираман қобиргалар орасига
ойга қараб ўсаётган титроқни.
Орзулардан ясай бошлайман Армон,
соғинчлардан — ғариб бир гўша.
Унга Бахтни қўймам ҳеч қачон,
мени сотган хоиндир ўша.

Бостириб келади қадам-бақадам
Япроқлар мисоли заъфар ғалаён.
Кузнинг кўзларида қаҳрабо кадар,
Кузнинг юрагида мағлуб ҳаяжон.
Орзулар қалъаси бедош ҳамлага,
Айрилиқ — муқаррар, армон — мустажоб.
Таслим бўлаётган буюк мамлакат —
Юрагим симиллар. Қайдасан, Нажот?
Нажот йўқ. Бор фақат улғу Уқубат,
Ўкинчим, юкинчим, парвардигорим.
Ўтинчим: бер менинг руҳимга қувват...
Уқубат Нажотни келмас ияртиб,
Руҳимнинг кўзлари интиқ, нигорон...
Юракнинг қисмати мағлубиятдир.

ЯЛДО ТУНИДА

Ушбу кечам, ялдо кечам қорлидир,
Оппоқ кечам, ойдин кечам зорлидир.
Дардим янги, қалбим қадим, ишқ қадим,
Ойлар мен бошим уриб йиғладим.
Севганимнинг бағри, ёху, тошмидур,
Юлдузларим юлдузмидур, ёшимдур?
Севганимнинг бағри агар тош бўлса,
Юлдузларим юлдуз эмас, ёш бўлса,
Дарда чора этолмасман бу кеча,
Мен тонгларга етолмасман бу кеча.

ТОПИШМОҚ

Оёқост шаън учун осилган бир тавқ —
Топталган эрк учун тўланган товон.
Товон эвазига юм-юмалоқ шавқ
Туюётган тавқпараст авом.

Шавқнинг-да шакли бор замон-маконда,
«Мавҳум»дан кўра у «моддий»га яқин.
Сочлари тўкилиб кетган хокандоз
Кулранг камзулига юрар тақи-и-ибб...

ЕЛҒИЗ АЁЛ

ҲАҚИДА ҚҶШИҚ

Ўкинмоққа йўқдир бахтсизлик,
Сабаб йўқдир ўкинмасликка.
Ўкинмоққа қиблагоҳ йўқдир,
Иложи йўқ юкинмасликка.

Орзу қилар бахтиёрликни,
Бахтсизликни истади жуда.
Бахтсизликни ундан қизганар
Ундан бахтни кўп кўрган худо.

У йиғлайди, йиғламайди, йўқ,
У кутади, ҳеч кимни кутмас.
Худо бахтни олмайди ундан,
Бахтсизликни эса, ер ютмас.

Толе эмас, эрксизлик излар
Тўрт томони қибла бу аёл.
Унинг сарсон-саргардонлигин
Овлақдан жим кузатар ҳаёт.

Ҳаёт билан унинг иши йўқ,
Қисмат излаб тўрт томон елар.
Мен қилмаган гуноҳлар учун
Ундан узр сўрагим келар.

Қирларга бағримни бериб ўтиндим,
Кўрсатди майсадай нафис изингни.
— Кетма!
Изларингга баргдай тўкилдим;
— Момо қир, бер менга шу бир қизингни!..
Кўзимнинг ёшлари сингди қирларга,

Қирлар кўзларимга ёш каби сингди.
Кўнглимнинг ёзилган дастурхонида
Бир нидо қадаҳдай жаранглаб синди:
«Жоним, кўзларингда қалқиб турибди

Севгинг, севагинг учун қуяжаклигинг,
Менинг армонимдай узун ўйларинг
Ва мени абадий... суяжаклигинг!»
Кўнглимда нидолар чил-парчин бўлди,

Мен ишқдан маст эдим, мен телба эдим.
Сени изларига қайтар деб кутдим,
Сен менинг ёнимга келарсан, дедим.
Ахир, ҳозиргина...

Шундоқ қаршимда
Кўзларинг лаънатлар ўқиб фироққа,
Аламларни енгиб жилмайган эди...
Қирлар олиб қочди сени йироққа.

* * *

Ортимда қолади бор овул,
Ҳаллослаб сўрайман тагин-а.
Мингирлаб қўяди қоровул:
«Ў қиз кетибиди, бағана»¹.
Кеч. Қуёш — қонли ёш, олисга
Сингади — сарғаяр сағанақ² —
Ғам ёшдай тўкилмас болишга...
«Ў қиз кетибиди, бағана».

Тераклар қуршайди гирдимни,
Тор йўлак пойимга ағанар.
Ичимга ютаман дардимни:
«Ў қиз кетибиди, бағана».
Журғатим қул бўлур Сабрга,
Қайтаман... Дунё — тор сағана.
Сигмайман мен бундай қабрга...
«Ў қиз кетибиди, бағана».
«Ў қиз кетибиди, бағана»...

* * *

Кўзларингни олиб қочдинг —
Бу шамолдан
Умидим барг каби узилаверди,
Умидлар хазондек тўкилаверди:
— Чирт, чирт...
Япроқсиз оғочга айландим,
Қара —
Жисмимни нигоҳингнинг қасрига кирит!
Қара, баҳорим!
Журғатсизлик илдизлари қўймайди мени,
Чопиб боролмайман беҳос сен сари...
Фақат, сенинг тўкилган барглари
Қайта тақмоқ бўлиб,
Ҳавога кўтарган
Шабада каби
Қарашингни
Ютоқиб кутади юракнинг бандлари...
Қара, баҳорим!

* * *

Фигон этдим,
Фазоларга етди
Фарёдимнинг булутсимон парчаси —
Бир Дард ёғди,
Ивиб кетди
Кўнглимнинг кўрпачаси.

Икром ИСКАН-ДАР. 1972 йилда Ғаллаорол туманининг Авлиё қишлоғида таваллуд топган. Айни пайтда Жиззах дорилмуаллимида хизмат қиладиган бўлди.



Руҳимнинг томини томчилар тешиди,
Имкон сари юрмади шахдим.
Армон арқон эшиди,
Осилиб ўлди бахтим.
Ҳислар ҳаяжонга асир бўлди,
Лекин, тошди
(Сақлаш учун йўқ бирор соқчи).
Бунинг бари юракда бўлди,
Юрак тўлди...
Энди юрак шоир бўлмоқчи.

* * *

Оқшом. Оқади оқ шам,
Тун — тан. Ёғду — қон, қонар.
Оқшом. Оқади оқ шам.
Силқиб, порлаб қон ёнар —
Охир ўчарми, оҳ, шам?...
Бир Ҳажр мажруҳ тун каби.
Оқшом. Оқади оқ шам,
Қонар мисли шам бир Сабр...
Оқшом. Оқади оқ шам.

¹ Бағана — боя.

² Сағанақ — қуёш ботар, уфқ